

1. Сон хакида умумий тушунча.
2. Соннинг маъно турлари ва уларнинг хосил килиниши.
3. Эски ўзбек тилида сонларга хос бўлган фонетик хусусиятлар.
4. Соннинг тузилиши жихатдан турлари.
5. Нумератив сўзлар.

Санок сонлар. Эски ўзбек тилида санок сонлар киши, нарса ҳамда ходисаларнинг саногини билдирган, санок сонларнинг бирлик, ўнлик, юзлик, минглик ва бошка формалари кўлланган. Санок сонлар содда ва мураккаб формалар оркали ифодаланган, араб, форс-тожик, хинд тилларидан ўзлашган санок сонлар ҳам учрайди.

Эски ўзбек тилида кадимги туркий тилдагига нисбатан сонлар жиддий ўзгаришга учраган эмас, лекин ўзига хос тизим хосил қилган. Айникса, мураккаб сонлар ҳозирги нормаларга яқинлашган. Бу давр тилида тўрт йигирми (14), алты элиг (46), отуз артуку уч (33) каби мураккаб сонлар кўлланишдан чиққан.

Содда санок сонлар эски ўзбек тилида танглай гармонияси талабига кўра каттик ва юмшоқ вариантларда кўлланган. Содда санок сонлар куйидагича кўринишга эга: бир сони, асосан, юмшоқ талаффуз қилинган: бир биригў катыла бёрдилўр (Амирий). Бири биригў бакмай (БН).

XVIII—XIX аср ёзма манбаларида бир сонини каттик талаффуз қилиш ҳолатлари ҳам учрайди: Быр-бырыга намахрам эт (Увайсий).

Икки сони олдидаги унли -э ёки -и товушлари оркали: эки, -икки тарзида талаффуз қилинган. Шу билан бирга, ики сони таркибидаги -к ундоши баъзан ташдид оркали ифодаланган: эки, эки, ики, икки каби. Бундай хилма-хиллик шеъриятда арузнинг талаби билан юз берган.

XIX асрга оид айрим ёзма манбаларда алты сони алта, йэтти сони йэттэ формасида учрайди.

«Бобурнома»да, Гулханий, Мунис асарларида бир тоққуз, тоққуз- тоққуз ибораси кўлланган, ҳар нарсанинг тўққизталиқ сонга эга маъносини аңлатган: Б и р тоққуз эт ва бир тоққуз парча кэлтурўди (БН). Мэ|ў гамдын т о к у з-т о к у з тухфа (Мунис). Йигирмў сони уч хил фонетик вариантда истеъмом этилган: йигирмў (БН); йигирми (Навоий, МН); игирми (Ш тар.).

Элик сони таркибидаги -л ундоши дастлаб иккиланмаган, кейинчалик геминацияга учраб ташдид оркали ифодаланган: Элик (Навоий, МН), эллик (БН).

XV—XIX асрларга оид ёзма манбаларга араб, форс-тожик ҳамда хинд тилларидан баъзи санок сонлар ўзлашган, ўзлашган санок сонлар ўз формаларида кўлланган.

Форс-тожикча: с а д х а з а р (Лутфий); й а к –йак(Огахий); ду бара (Муқимий).

Хиндча лўк сони XVI—XIX асрларга оид ёзма манбаларда кўлланган: Йуз мы|ны л ў к дэрлўр (БН); мы| лўк сомны (Муқимий).

«Бобурнома»да хиндча к Ј р у р — (ўн миллион), арб (бир миллиард), кЈрб (юз миллиард), найл (ўн триллион), падам (милли-триллион), са| (энг юкори санок сон) санок сонлари кўлланган.

Дона сонлар. XV—XIX асрларга оид ёзма манбаларда дона сонлар ифодаловчи формалар кам ривожланган, дона сонлар функциясини турли сон формалари бажарган. Алишер Навоийнинг «Махбубул кулуб», «Сабъаи сайёр», Муҳаммад

Солихнинг «Шайбонийнома» асарларида бир, икки санок сонига –тў аффикси кўшилиб дона сон хосил бўлган: биртў йармаг икки бўлдиб (Навоий МК); биртў Ўтмўкни ики бўлдиб (Навоий МК).

XV—XIX асрларга оид ёзма манбаларда санок сонлар дона сонлар маъносида қўлланган: Й э т и агзы аны, отлар сачыб (Навоий ХА). Й э мы, байты бар ва бир касида айтыбдур (Навоий МН).

Нумератив сўзлар. Нумератив сўзлар XV—XIX аср ёзма манбалари тилида ҳам деярли санок сонлар билан қўлланган, бу давр ёзма манбалари тилида нумератив сўзларни қўллаш қадимги туркий ҳамда XI—XIV аср ёзма манбалари тилига нисбатан кенгайган. Эски ўзбек тилида ҳам нумератив сўзлар характериға кўра турлича маъноларни англатган. Нумератив сўзлар санок сон билан аникланаётган сўзлар орасида қўлланиб, аникланмиш сўзға нисбатан қўшимча аниклик даражасини оширган. Шунингдек, нумератив сўзлар улуш, микдор, хажм, восита бирлиги, масофа, тўда, ўлчов бирлиги, гурух, дона каби катор маъноларни англатган.

Тартиб сонлар. XV—XIX асрларга оид ёзма манбалар тилида тартиб сонлар асосан санок сонларға аффикслар қўшилиши оркали хосил қилинган. Араб, форс-тожик тилларидан ўзлашган сонлар лексик-семантик усул билан ҳам тартиб сон маъносини англатган, баъзан ўзлашган тартиб сонлар формаси ҳам қўлланган.

-ынчы, -инчи, -унчы, -унчи, -нчы, -нчи аффикси вариантлари асосида тартиб сонлар хосил қилиш кенг қўлланган.

-ынчы, -инчи, -унчы, -унчи аффикси ундош товушлар билан тугаган санок сонларға, унли товуш билан тугаган санок сонларға -нчи, -нчы аффикси варианты қўшилган: иккинчи, йэтинчи, мўнчи, тўртўнчи, алтынчи, онунчи.

Тартиб соннинг биринчи формаси составли тартиб сонлар таркибида учрайди: йигирми биринчи фасл (Навоий МК); биринчи мақалат (Навоий ХА).

-ланчы (ла--нчы), -лўнчи (лў--нчи) аффикси санок сонларнинг каттик, юмшоклигиға кўра қўшилиб, тартиб сонлар хосил қилинган, бу аффикс билан тартиб сон хосил қилиш Алишер Навоийнинг «Махбуул кулуб» асарида учрайди, XVII асрдан бошлаб -ланчы, -лўнчи аффикси оркали тартиб сон хосил қилиш кенгайган: алтыланчы фасл (МК), сёкизлўнчи фасл (МК), йэтилўнчи аркада (Ш тар.), бёшлўнчи оклы (Ш тар.).

Аввал сўзи биринчи тартиб сони маъносида қўлланган: Ул аввал қылды Гул васфёны ағаз (Лутфий), Аввал айагыға тўшб пўст бол (Навоий ХА).

Қадимги туркий ёзма манбаларида ҳам тартиб сонлар -нч, -ынч, -инч, -унч, -унч ҳамда -нты, -нти, -нды, -нди аффикси вариантлари оркали ифодаланган; -нти, -нди формаси икки сонига қўшилган. Биринчи тартиб сони ўрнида илк, илки сўзи ҳам қўлланган.

«Девону луготит турк» ёзма обидасида тартиб сонлар асосан -нч, -ынч, -инч, -унч, -унч ҳамда -нди аффикслари билан ифодаланган.

Жамловчи сонлар. Жамловчи сонлар ўзига хос хусусиятларға эға, шунингдек, жамловчи сонларда умумтуркий тилларға хос белгилар ҳам мавжуд. Жамловчи сонлар санок сонларға -ав, -ўв, -ла, -лў, -ала, -ўлў, -авла, -ўвлў, -авлан, -ўвлўн, баъзан -лай, -лўй; -агу, -ўгў аффикслари қўшилиши оркали ифодаланган.

-агу, -ўгў аффикси оркали жамловчи сонлар хосил қилиш XIV аср ёдгорликларида фаолроқдир: Улар йэтўг, мэн йалгуз (Рабг.), ...чўгси тн сарыға бардылар (ўН).

-ав/-ўв аффикси оркали жамловчи сонлар ясаилиши XV—XIX асрлар ёзма обидаларида характерли бўлган: икўв (Навоий СС); учўв (Навоий ФШ); чэриқдў бир икўв (ШН); Харут илў Марут икўв (Фуркат).

-лўй (-лўгц / -лайу / - лўй) аффикси «Сабъаи Сайёр», «Бобурнома» асарларида айрим ўринларда ики сонига кўшилиб, жамловчи сонлар ясаган: бўрибўн ул нукудны икўлўй (Навоий СС); икўлўй корган йавыгыгў (БН).

-ала,-ўлў аффикси Навоий, Бобур асарларида санок сонларга кўшилиб жамловчи сонлар ясаган: тўртўлўси( Навоий МН), бу учўлўси (БН).

-(ў)влўн (ўгмлўн}ўвлўн) аффикси баъзи санок сонларга кўшилиб жамловчи сонлар ясаган: икўвлўн качтылар (Лутфий ГН).

Чама сонлар. XV— XIX асрларда битилган ёзма манбаларда чама сонлар аналитик, синтактик усуллар билан хосил килинган.

-ча, -чў аффикси санок сонларга кўшилиб, чама сонлар хосил килинган: йуз ики йузчў киши (Навоий ХА); йана беш мы|ча киши (ШН).

Санок сонларнинг жуфт холда кўлланиши оркали ҳам чама сонлар хосил бўлган; кичик сонлар олдин, катта сонлар кейин кўлланган: йуз-йуз элик Ўзбўкни кишиси билўн (БН); тўрт-беш мы| киши бирлў (ШН).

Санок сонлардан кейин чаглык, чаглы, чаклык сўзлари кўлланиб, чама сон маъносини англатган: он йыгач чаглык масъфат (Навоий ФШ); йигирмў чаглык кишилўри Ўлди (Ш тар.).

Санок сонлар айча, йылча, йавук, йакын,артук, артукрак, зийада, кўпрўк,азрак каби сўзлар билан келиб, чама сон маъносини ифодалаган: отуз йылча йакын бар (Навоий МН), ики йўздин кўпрўк уч йўздин азрак болгай эди (БН).

Таксим сонлар. Эски ўзбек тилида таксим сонлар, асосан, -рар,-рўр,-ар,-ўр аффиклари билан хосил килинган: Айларда бирўр-бирўр кўрмўр (Атоий), Фусулны тўртўр ай таъйын кылыбтурлар(БН), Йўзўр мискал кумуш (БН).

Нодира, Гулханий асарларида бир сони кетма-кет такрор кўлланиб, кейинги бир сонига -дўн,-дин аффикси кўшилиб, таксим сонлар маъносини англатган: Икки гул баргини бир бирдўн гахи гуфтара ач (Нодира). Бир чардэвар кўм болса, Ўтўз тишни бир бирдин сындырур (Гулханий).

Бир ва икки санок сонлари грамматик кўрсаткичларсиз кетма-кет такрорланган холда таксим сонлар маъносини англатган: Нэки кўргўздилўр са|а бир-бир (Навоий СС), Ўгўр чун икки-икки кол тутуб (Мукимий).

Каср сонлар. Эски ўзбек тилида каср сонлар синтактик усул билан ифодаланган, махраж ҳамда сурат сонлар асосида хосил бўлган, махраж сон санок сонларга чикиш ҳамда ўрин-пайт келишклари аффикслари кўшилиши оркали ифодаланган, сурат сонлар санок сонлардан иборат бўлган, шунингдек, сурат сонлар грамматик кўрсаткичларни ҳам кабул қилган: Нэчў Ўгсўм айтман мы|да бирин (Лутфий ГН). Йўздин бирики маъракага йэтиб (Навоий МК). Йурт малыны| ондын бирини алур (Ш турк.). Бэррмўн болса йўз жаныму мы|дын бир хисаб Ўйлўб (Мунис).

Каср сон ясалишида баъзан махраж ва сурат сон орасида айрим боғловчилар кўлланган, грамматик кўрсаткичлар махраж сон ёки сурат сонга кўшилган, баъзан махраж ва сурат сонлар дистант холатларда учрайди: йуздин г ўр бирисигў йэтсў (Навоий СС).

Йарым сўзи ҳам каср сон маъносини англатган. Шунингдек, келишик ҳамда эгалик кўшимчаларини ҳам кабул қилган: Йарым кэчў йэтиб тштилўр (Навоий МН). Бир й а р ы м кары казса, сув чыкар (БН).

XVI — XIX асрларга оид баъзи ёзма манбаларда форс-тожик тилидан ўзлашган ним, ду ним, чахарйўк, чарйўк сўзлари каср сонлар маъносида кўлланган: таъриф қылганны| йарымы балкэ чарйэкичў ашлык (БН); огланларны ним кыйат тэдилўр (Ш турк.).

**Савол ва топшириклар:**

1. Соннинг эски ўзбек тилидаги ўзига хос хусусиятлари нималарда кўринади?
2. Соннинг маъно турлари, тузилишига кўра турлари кандай хосил килинади?
3. Эски ўзбек тилидаги сонларнинг кўлланишига манбалардан мисоллар топинг.

**Таянч тушунчалар:**

Соннинг маъно турлари – санок, тартиб, дона, чама, жамловчи, таксим сонлар.  
Соннинг тузилишига кўра турлари – содда, мураккаб, каср сонлар.